

Сийрат дарслари (157-дарс). Сут ичилгандан сўнг нега оғиз чайилади?



17:30 / 22.10.2021 9183

575. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сут ичдилар ва ундан оғизларини чайқадилар ҳамда: «**Унинг мойи бор**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

576. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Икки кишининг таоми уч кишига кифоя, уч кишининг таоми тўрт кишига кифоя**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

577. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон ҳеч қандай таомни айбламадилар. Агар иштаҳалари тортса, ердилар. Кўнгиллари тусамаса, тарк қилар эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

578. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга аввалги мевадан келтирилар эди. Шунда у зот: **«Аллоҳим! Бизга Мадинамизни, меваларимизни, соъимизни, муддимизни баракали қилгин. Барака ила баракали қилгин»**, дер эдилар. Кейин уни (ҳузурларида) ҳозир бўлган болалардан энг кичигига берар эдилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан